4.450.000 ТОННА ТАЙЁР!

Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 210 (21. 077) 1991 йил 30 октябрь, чоршанба • Йилига 256 марта чиқади. • Баҳоси 8 тийин.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги аъзолари — бригада бошлиғи Холмирза Абдуқодиров, механик-ҳайдовчилардан Очил Охунжонов ва Олим Хошимов. 2. Бухоро районидаги «Бухоро» жамоа хўжалиги чевар теримчиси Зулхумор Эргашева. 3. Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида улкан хирмонлар ана шундай тиклананди. 4. Бағдод районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бош муҳандиси Эргашали Тўрақулов, бригада бошлиғи Рўзибой Кўрчиев ҳамда қўшни «Победа» жамоа хўжалиги механизатори Собиржон Солиев.

А. МАЛЬЦЕВ, Ҳ. ҚУРБОНОВ ва Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЗАФАР МУБОРАК БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ПАХТАКОРЛАРГА ВА ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТАБРИГИ

Республикамиз пахтакорлари мустақил Ўзбекистоннинг биринчи улкан «оқ олтин» хирмонини шараф билан бунёд этдилар. Республика қабул пунктларига топширилган пахтамиз салкам 4,5 миллион тоннага етди. Ҳосилнинг 90 фоизга яқини биринчи ва иккинчи навларга қабул қилинди.

Республика ҳукумати колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, мутахассислар қишлоқ хўжалик машинасозлиги ходимлари, раҳбар ходимлар ва республикамиз барча меҳнаткашларини бугунги меҳнат ғалабаси билан қутлайди.

Ҳозирги оғир шароитда халқимизнинг бу йилги меҳнат ғалабаси ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Бу ғалабанинг негизи нимадан иборат бўлганини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир.

БИРИНЧИДАН, республикамиз мустақил деб эълон қилиниши деҳқонлар, механизаторлар, мутахассислар, ҳаммамизнинг масъулиятимизни оширди.

ИККИНЧИДАН, пахтакорлар кўкламда юз берган табиий офат оқибатларини уюшқоқлик билан бартараф этдилар. Бу йил анча майдонда пахта такрорий экилди. Баҳорда пахтакорлар тўлиқ кўчат олиш учун самарали меҳнат қилдилар. Республика Президенти Фармонига мувофиқ уларнинг меҳнати муносиб тақдирланди. Илғор пахтачилик бригадалари ва бўлимларига мукофотлар берилди.

УЧИНЧИДАН, бугунги ғалабамиз республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кўрилаётган иқтисодий, ташкилий-техникавий чора-тадбирлар тўғрилиги, деҳқонлар меҳнатини қадрлаш, хўжалик раҳбарларининг бир қатор масалаларни ўзлари ҳал этишлари, коллектив, онла, ижара пудратларининг кенг жорий этилиши натижаси бўлди.

Бу йил деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатига муносиб баҳо берилди. Президент Фармонига асосан пахтанинг давлат харид нархи 50 фоиз оширилди, қўлда терилган пахтанинг ҳар бир килограммига 40 тийиндан, машинада терилган пахтанинг бир тоннасига камида 25 сўмдан ҳақ тўланди.

Пахтанинг харид нархлари оширилганлиги ҳисобига хўжаликлар 1 миллиард 300 миллион сўмдан кўпроқ соф даромад оладилар. Бундан ташқари, колхозчилар, совхозлар, фермерлар ва бошқа хўжаликлар аҳволини яхшилаш учун шарт-шароит яратиб берилмоқда. Президентимизнинг кейинги Фармони йиғим-терим ишларининг уюшқоқлик билан ташкил этилишига ёрдам берди. Етиштирилган пахтанинг 5 фоизи ва режадан ортиқ олинган толанинг барчасини хўжаликлар ўз ихтиёрларига кўра сарфлашлари мумкин. Бу ҳар бир деҳқон онласи турмушини яхшилашда муҳим омил бўлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йил йиллик топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида камида 300 минг тоннага яқин пахта қолади.

Жумҳуриятда биринчи бўлиб режани бажарган бухоролик пахтакорлар хирмонимизга 502 минг тонналик пахта билан ҳисса қўшиб, энг юқори — 32 центнердан ҳосил етиштирдилар.

Фарғоналик пахтакорлар 427 минг тоннадан ортиқ пахта сотиб, ҳосилдорликни 30 центнерга етказди. Умумий хирмонга жуда катта ҳисса қўшган қашқадарёликлар 510 минг тонна пахта бердилар.

Йил давомида бу ишга салмоқли ҳисса қўшиб, бугунги ғалабани таъминлаган механизаторларимизга раҳматлар айтамиз. Далаларда 30 мингтадан кўпроқ пахта териш агрегатлари ишлади ва 60 фоиз пахта улар ёрдамида териб олинди.

Мавсумда пахта хирмонини тезроқ тиклаш учун қилинган ҳаракат зое кетмади. Етиштирилган ҳосил асосан ёғинсочин бошланмасдан олдин қисқа муддат ичида йиғиб-териб олинди.

Бугун олимлар, инженерлар, врачлар, ўқитувчилар, саноат корхоналари ишчиларига, деҳқонларимизга мадад бериб турган барча кишиларга ташаккурлар айтамиз.

Етиштирилган ҳосил пахтакорлар ва механизаторларимизнинг, қишлоқ хўжалигини техника, ўғит ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаган саноат корхоналари ишчиларининг фидокорона меҳнати, уюшқоқлик билан амалга оширган чора-тадбирлари натижаси бўлди.

Бу йилги меҳнат ғалабаси эл-юрт бойлигини оширишга, шаҳар ва қишлоқларимиздаги социал муаммоларни тезроқ ҳал этишга ҳисса бўлиб қўшилади.

Республика ҳукумати етиштирилган ҳосилнинг қолган қисми сира нобуд қилинмай йиғиштириб олинади, шудгорлаш ишлари 25 ноябргача тугалланиб, келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратилади деб ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ.

ЭРКИН МЕҲНАТ НАШИДАСИ

4 МИЛЛИОН 450 МИНГ ТОННАЛИК ХИРМОН УЮЛИБ, МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ. ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ БАЖАРИЛДИ

АЗАЛ-АЗАЛДАН деҳқон деярли ҳар йили табиат қийинчиликлари билан юзма-юз бўлади. Асрлардан бери давом этиб келаётган адоғи йўқ кураш бу. Бироқ нафсиламбирини айтганда, бу йилги кўклам ташвишлари ҳаммасидан ўтиб тушди. Чигит экиш, уни ундириб олиш ҳар қачонгидан қийин бўлди. Республика пахта майдонларининг қарийб ярмига қайтадан чигит экишга тўғри келди.

Ёмғир, жала, дўл, сел деҳқонни кетма-кет синовдан ўтказди. Ҳатто чигит қайта-қайта экилгандан кейин ҳам, барча майдонлардаги ғўзалар бир текис ривожланишга кирганда ҳам катта хирмон кўтарилишига шубҳа қилувчилар бор эди. Ёз ойларида об-ҳавонинг паст келиши, ғўзага зарур иссиқликнинг етишмаётганлиги бунга асос берарди.

Бироқ ҳеч қачон табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўрганмаган деҳқон кўнглини чўктирмай меҳнат қилди. Табиат қийинчиликларига кўп йиллик бой тажриба, астойдил меҳнат, илғор агротехникани қарши қўйди. Далаларга ғўзанинг тезпишар навлари қадалди. Одатдагидан кўпроқ ўғит берилди. Шарбат усулида суғоришнинг афзалликлари ҳам худди шу йили кўл келди. Пайкалларга синашта навлар — «С-6524», «Қирғиз-3», «Тошкент-6», «Фарғона-3», «Андижон-13» ва бошқалар экилди. Сўнгра уларнинг парвариши агротехника қоидалари асосида олиб борилди. Айниқса, экишдан тортиб пахтани йиғиб-териб олишгача бўлган барча ишларни бажаришда одамларнинг сафарбарлик, уюшқоқлик, юксак талабчанлик ва қатъий интизом намуналарини кўрсатганликларини таъкидлаш керак.

БУГУН — ана шу тадбиркорлик, уюшқоқлик, катта меҳнат ҳосилати—осмонўпар хирмонлар саф тортди.

Бу йилги мавсумнинг аввалги йиллардагига ўхшамайдиган ўзига хос хусусиятлари бор. Аввало, деҳқонларга, хўжаликларга эркинлик берилди. Қўшимча моддий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Жумҳуриятимиз Президенти Фармонларига кўра одамларга уй қуриш, томорқа учун ер ажратиш кўпайди. Шахсий чорва молларига озуқа ажратилди. Кўп жойларда қишлоқ аҳолисига овқат учун 100 килограммдан буғдой берилди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари қатори пахтачиликда ҳам пудрат, ижара каби хўжалик юритишнинг истиқболли усулларига кенг имконият яратилди. Механизациядан унумли фойдаланилди. Шу боис ялпи ҳосилнинг 2,6 миллион тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Натижада аксарият хўжаликлар ҳосилни ташқаридан қўшимча кучлар олмай ўзлари териб олдилар.

Мавсум давомида Бухоро ва Фарғона вилоятларининг пахтакорлари галма-галдан пешқадамлик қилдилар. Бухороликлар республикада биринчи бўлиб маррага етиб келган бўлсалар, фарғоналиклар иккинчи бўлиб йиллик режани бажаришди. Қашқадарё, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Андижон вилоятлари пахтакорларининг ҳам юзи ёруғ бўлди. Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳам эрта-индин ютуққа эришади.

МАВСУМ муваффақиятини таъминлаган яна бир омил — моддий манфаатдорлик бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта хом ашёси ва пахта харид ҳамда улгуржи нархларини ошириш тўғрисида»ги, «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини бюджетга фойдадан олинадиган солиқ ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан 11 фоизли ажратма тўлашдан ҳоли этиш тўғрисида»ги, «Режага нисбатан тайёрланган пахтанинг беш фоизини ва режадан ортиқча тайёрланган пахтанинг ҳаммасини хўжаликлар ихтиёрида қолдириш тўғрисида»ги қарорлари деҳқонлар кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Устига-устак табиат ҳам терим пайтида тантилик қилди. Чин маънода деҳқоннинг кузини берди.

МАВСУМ муваффақияти таъминланди. Лекин далаларда иш тўхтагани йўқ. Биров сўнгги мисқолларни йиғиб олиш билан банд, биров келгуси йил ҳосилига замин яратмоқда. Биз уларга қарата шундай дегимиз келади: **Хорманг энди, азиз пахтакорлар! Баракали меҳнатингиз ва залворли хирмонингиз учун Сизларга тасанно!**

СУРАТЛАРДА: 1. Қўшқўпир районидаги Қурбонов номли жамоа хўжалиги механик-ҳайдовчиси Жуманазар Байрамов. 2. Каттақўрғон районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги илғор сувчиси Баҳром Ҳамроев. 3. Пайариқ районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигининг кўпмингкилограммчи теримчиси Муяссар Товбоева. 4. Учқўрғон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги раиси Собиржон Бозоров, механик-ҳайдовчилардан Собиржон Маматқулов ва Чимберди Мирзаалиев.

Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ), Ғ. АЛИЕВ, К. ТУРСУНОВ, Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ҒАЛАБА СИЗГА ЁР, АЗИЗ ПАХТАКОР!

Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида ШАРТНОМА

Қуйида олий аҳдлашувчи томонлар деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси ва Украина,

Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этиб,

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида 1990 йил 20 июнда қабул қилинган мустақиллик декларациясига, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга ҳамда 1990 йил 16 июнда Украинанинг Давлат мустақиллиги тўғрисида қабул қилинган декларацияга, 1991 йил 24 августда Украинанинг мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатга асосланиб,

Ўзбекистон ва Украинанинг демократик ҳуқуқий давлатларини барпо этишга ва халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъектлари сифатида жаҳон ҳамжамиятига киришга интилиб,

ўз давлатлараро муносабатларини суверен тенглик, ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатишдан ёки иқтисодий тазйиқ ўтказиш методларини қўлланишдан воз кечиш, баҳсли муаммоларни муросага келтирувчи воситалар ёрдамида тартибга солиш принциплари, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа принциплари ва нормалари асосида ривожлантиришни кўзлаб,

улар ўртасидаги анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳар икки давлат халқларининг туб миллий манфаатларига мос келади ҳамда тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилади деб ҳисоблаб, суверен давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга интилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг, Хельсинки якунловчи ҳужжатининг, янги Европа учун Париж хартиясининг ҳамда Европа ва Оснёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича аҳамиятга молик бошқа ҳужжатларнинг мақсад ва принципларига содиқ қолишларини тасдиқлаб,

инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро нормаларга риоя қилишни зиммага олиб, қуйидаги битимга келдилар:

1-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар бир-бирларини мустақил давлат деб танийдилар ва ўз зиммаларига бошқа томоннинг давлат мустақил-

(Давоми иккинчи бетда).

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ПАХТА ХОМ АШЁ ВА ПАХТА ТОЛАСИ ХАРИД ҲАМДА УЛГУРЖИ НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, шунингдек колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва фермер хўжаликларининг оширилган улгуржи нархларда моддий-техника ресурсларини сотиб олишга сарфлаган харажатларини қисман қоплаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат нарх комитети билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 1991 йил ҳосилидан олинган пахта хом ашёси харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини 1 ва 2-нловаларга кўра хиллари ва навларига қараб ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат нарх комитети бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг биринчи бандига мувофиқ янги харид ва улгуржи нархлар нархномаларини чиқарсин ва уни манфаатдор ташкилотларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат нарх комитети Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Пахта саноати» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргалликда линт, магизсиз чигит ва пахта тозалаш саноатининг бошқа нинларнинг маҳсулотлари улгуржи нархлари даражасини қайтадан кўриб чиқсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси — И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 26 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ПАХТА ТОЛАСИ ВА ПИЛЛАНИ СОТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта хом ашёси ва пилла етиштириши кўпайтириш ҳамда харид қилинадиган маҳсулотларнинг ошириш, бозор муносабатларига ўтиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ва кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни сотишнинг мавжуд тартибини қисман ўзгартириб:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1991 ва кейинги йиллар учун белгиланган топшириқлари пахта толаси ва пилланинг 5 фоизи ҳамда белгиланган ҳажмдан ортиқча олинган маҳсулотларнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисида ҳам ва ундан ташқарида ҳам колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ихтиёрий равишда сотилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ижроия қўмиталари ва районларнинг ижроия қўмиталари, республиканинг кўрсатиб ўтилган маҳсулот турларини сотиш ва етказиб беришга дахлдор бўлган вазирликлари ва идоралари, ушбу Фармонинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг тегишли қарорларига ушбу Фармонда келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил, 4 октябрь.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Колхозчилар ва совхозлар ходимларининг 1991 йил пахта ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишдан моддий манфаатдорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ҳақида

Колхозлар ва совхозларнинг пахта ҳосилини асосан ўз кучлари билан ўз ҳисобидан механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ходимларининг меҳнатига ҳақ

5. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига, колхозларнинг бошқа

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ БЮДЖЕТГА ФОЙДАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҲАМДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ЖАМҒАРМАСИДАН 11 ФОИЗЛИ АЖРАТМА ТЎЛАШДАН ҲОЛИ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Нарх ислоҳ қилинганлиги муносабати билан қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Колхозлар (жумладан балиқчилик колхозлари), совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари 1991 йилда бюджетга фойдадан олинадиган солиқ ва 1991 йилнинг 1 октябридан меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан 11 фоизли ажратма тўлашдан ҳоли этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси — И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 29 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмларини кўпайтириши рағбатлантириш, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ошириш, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналарининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида 1990 йилнинг августида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг асосий турларига янги харид нархлари белгиланган эди. Бу йил ҳам ҳисоб-китобларга ана шу нархларда амалга оширилди.

Бироқ 1991 йилда саноат маҳсулоти, қишлоқ, энергия, биноқорлик материаллари ва бошқа моддий-техника ресурсларининг улгуржи нархлари, шунингдек, транспорт хизмати тарифлари оширилганлиги, янги солиқлар киритилганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга хўжаликларнинг харажатлари анча кўпайди.

Бундан ташқари чакана нархлар ошганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўз ходимларига компенсациялар тўлашлари зарур.

Натижада, ҳозирги пайтда колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналар (республикада уларнинг сони 2 мингдан ортиқ) ўзлари олдиган фойдасининг катта қисмини ана шу чиқимлар ва харажатларни қоплаш учун сарфлашга мажбурдирлар.

Бундай шароитда қишлоқ хўжалик корхоналари моддий молиявий қийинчиликларни бошдан кечирмоқдалар, уларнинг банкдардан ва маҳсулот етказиб берувчилардан қарзи ўсиб бормоқда. Хўжаликларнинг ҳисобида маблағ йўқлиги иш ҳаҳи ва компенсациялар тўлаш муддатларини барбод этишга олиб келмоқда.

ВУЖУДГА келган вазиятни ва қишлоқ хўжалиги ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб, шунингдек бюджетга тўловлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисида хўжаликларнинг кўпдан-кўп мурожаатларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бу йил колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини фойдадан олинадиган солиқ ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан 11 фоиз ажратма тўлашдан ҳоли этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қабул қилинган қарорларнинг рўёбга чиқарилиши 1991 йилда республиканинг қишлоқ хўжалик корхоналарига ўз тасаррафида қоладиган даромадларни фойдадан олинадиган солиқдан ҳоли этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бунда ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўшимча равишда қариб 400 миллион сўм ажратиш имконини берди.

Иброҳим Раҳим
УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ

ОЛТИН ПОЙДЕВОР

Бу йилги пахта хирмонимизни мустақиллик момиғи дегим келди. Негаки бу йилги «оқ олтин»имиз мустақил ўзбек давлатининг чўнтагига тушади, жумҳурият рўзғори косасини оқартиришга хизмат қилади. Бу йилги пахтадан катта-кичик рўзғорлар ҳам наф кўрадилар, давлатга сотиладиган пахтанинг беш фоизи, режадан ортиқ терилган жами «оқ олтин» ҳар бир жамоа сандиғига тушади. Бу жавоҳир сандиқ хўжаси ёки бекаси хоҳласа сўмга, истаса долларга, маркага сотади, балки, машинаю ускунага алмашади. Тахта-ёғоч, дон-дун эвазига қардошлар билан ҳамкорлик қилади. Нафи икки томонлама: у томонга ҳам фойда, бу томонга ҳам.

Бундан аввалги йилларда шундай бўлиши мумкинмиди? Мутлақо. Тўсиқ кўп эди. Чунки пахтамиз давлат монополияси эди. Меҳнати бизникию, ҳосили марказий давлатники эди. Пахтакор пахтанинг қули эди. Бечора пахтакор йил бўйи тонгдан тунгача далада ишлар, пешонасидан тер тўкиб, кетмон уриб, бел букиб етиштирган пахтасидан битта чигитни ҳам ўзига олиб қолмасди. Чунки унинг йиллик меҳнати—давлатники, пахтаси ўшаларнинг монополияси эди. Ўзбекистон мустақиллиги пахтакор меҳнатини ана шу қулликдан, пахтасини эса монополия чангалидан озод қилади. Бугунги ўзбек пахтакори зўровонлик занжирини узди. Пахта етиштирувчи жамоа хўжаликлари иш юритишдан моддий манфаатдорлик нашъасини шу йилгина сура бошладилар. Буни Ўзбекистон мустақиллигининг эртаки меваси деб билмоқ керак.

Моддий манфаатдорлик пахтакорнинг турли тоифасига ҳам бирдай нон бера бошлади. Чунончи қўлда терган пахтанинг ҳар килограммига аввалгидан ўрта ҳисобда ўн баробардан ортиқ ақча олянти. (Илгари 7 тийиндан эди). Механизатор машинада терган ҳар тонна пахтага 25 сўмдан, ҳозирда эса 60 сўмгача пул олянти. (Илгари 5—10 сўмдан ошмасди). Сифатли қилиб тоза тергани учун алоҳида мукофот. Меҳнатга онгли муносабат ҳар жиҳатдан моддий манфаат келтирмоқда.

Пахта теримига шаҳарликлар, мактаб болалари, олий ўқув юртлари талабаларининг жалб қилинмагани ҳам пахтакор моддий манфаатдорлигини оширишни кўзлаган эди.

Бухорода, Фарғонада бу йилгидай терим суръати ва унинг юксак натижасини пахтачилик тарихи кўргани йўқ. Жумҳурият бўйича октябрь ойидаги суръатни ҳам ҳеч қачон, ҳеч бир маълумот жадвали кўрмаган. Бундай суръат Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган йилда намоён бўлди! Яхши хосият, қутли шарофат!

Ўзбекистон пахтакорлари тарихда биринчи марта ўзларидан бошқа ҳеч кимни безовта қилмай, эл бойлигини муддатидан илгари баракали хирмонга жамладилар. Энг муҳими, бу ишни қисқа муддатда бажо қилдилар. Ўзбекистон хирмонига жамланган бу йилги пахтамиз жумҳурият мустақиллигининг бебаҳо моддий пойдеворидир!

Эндиликда бир мисқол ҳам пахта чаноқларда қолиб кетмайди!

Такрор айтгим келяпти: бу йилги мўл пахтамиз — мустақиллик момиғи ёш ўзбек давлатининг олтин пойдевори бўлиб хизмат қилади!

Жамоа хўжалигимиз Янгийўл районида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарди. Давлатга белгиланган 3 минг тонна ўрнига 3150 тонна хом ашё сотилди. Унинг асосий қисми биринчи навга топширилди. Хўжалик хирмонига Й. Мажидов, А. Азимхўжаев, Т. Холматов, Т. Халилов, Т. Нурматов бошлиқ бригада ва звено аъзолари баракали улуш қўшдилар. Механик-ҳайдовчиларимиз жами ҳосилнинг 80 фоиздан кўпроғини териб бердилар. Х. Эралиев, Р. Аҳмедов, И. Назаров, А. Исоқжонов сингари механизаторлар ҳар бирининг машинаси ҳисобига 170—180 тоннадан пахта тўғри келди.

Пахта йиғим-терими ҳамон қизғин давом этяпти. Давлатга режадан ташқари яна 300 тонна пахта сотамиз. **Умумий даромад ўтган йилга нисбатан икки баравар ошиб, 15,5 миллион сўмни ташкил этади. Шунинг 3,5 миллион сўмдан кўпроғи соф фойдага айланиши керак. Даромад кўпайган сари пахтакорлар ойлиги ортиб бормоқда.** Масалан, бир пахтакор аёлнинг ўртача ойлиги 600 сўмдан, механизаторнинг эса 700—800 сўмданга тўғри келиши кутилмоқда. Даромадга яраша буромад деганларидек, жамоа аъзолари маданий-маиший эҳтиёжини қондиришга, ободонлаштириш ишларига кўп маблағ ажратилмоқда. Хўжалик ҳудудидаги асосий йўллар асфальт қилинаётир. «Коммунизм» участкасининг 85 фоизи газлаштирилди. Фрунзе участкасида эса беш километр ҳажмда иш бажарилди.

Бу борадаги юмушларнинг олға силжишига кичик қувурларнинг йўқлиги тўсиқ бўлмоқда. **Яна 50 километр масофага етадиган қувурлар керак. Агар ўзимиз унинг кетидан югурмасак, уни ҳеч ким бизга олиб келиб бермайди. Қишлоқ шаҳарга жуда кўп нарсалар беради-ю, лекин шаҳар қишлоққа берадиган пайтда баҳоналар кўпайиб кетади. Масалан, айтайлик, машина-трактор эҳтиёт қисмлари етишмаслиги хусусида узоқ йиллардан буён гап-сўз юради. Лекин бирон йил йўқки, у бемалол бўлган бўлса.** Яхшиям, бу йил Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводидан мутахассислар келиб жонимизга ора киришди. Улар айни йиғим-терим қизғин пайтда даланинг ўзида бузилган машиналарни сифатли созлашда яқиндан кўмаклашдилар. Энди биз улар билан алоқани янада мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқчимиз.

Хўжалигимиз аҳли нафақат пахта тайёрлаш йиллик режасини, балки дон, картошка, полиз, узум, гўшт, тухум, жун, пилла сотиш режаларини ҳам ошириб адо этди.

Хўш, улар-ку шаҳарликлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришди. Энди ўз навбатида деҳқонларимиз шаҳарликлардан ўз эҳтиёжларига яраша у ёки бу нарсани сўрашга ҳақлидирлар деб, ўйлайман. Масалан, қиш яқинлашмоқда, деҳқон учун калиш жуда керак. У эса анқонинг уруғи. Оддий чит тўғрисида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин. Шунга ўхшаш жуда кўп нарсалар кетидан югуришга тўғри келяпти. Ҳар ким ўз ишини билиб амалга оширганда эди, бундай сарсонгарчиликлар олди олинарди.

Мустақилликка қадам қўйган республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш фақат деҳқонларгагина боғлиқ бўлиб қолмаслиги учун шаҳар ҳам қишлоқ меҳнаткашларига қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб ўзаро ҳамкорликда ишласаларгина ўйлаган ниятимизга етамиз. Бундан бошқача йўл ҳам йўқ.

М. ИСМАТОВ,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҚИШЛОҚ МУАММОСИ ТУГАЙДИМИ?

ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини бюджетга фойдадан олинадиган солиқ ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан 11 фоизли ажратма тўлашдан ҳоли этиш тўғрисида»ги қарори республиканинг давлат ва жамоа хўжаликларига ўз тасарруфида қоладиган даромадни фойдадан олинадиган солиқдан ҳоли бўлиш ҳисобига 200 миллион сўм ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ўн бир фоизли ажратмаларни бекор қилиш ҳисобига 192 миллион сўм кўпайтириш имконини берди.

Бу эса қишлоқ хўжалик корхоналарига кечиктириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича республикамизда қўшимча равишда салкам 400 миллион сўм ажратилди, деган сўз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра машинада терилган ҳар тонна пахта учун 25 сўмдан, қўлда терилган кондициялик пахтанинг ҳар килограмми учун 40 тийиндан (айрим жойларда ундан ҳам кўпроқ ҳақ) тўланиши бу йилги мавсумда етиштирилган ҳосилни хашарчилар ёрдамисиз тез ва соз териб олиш имконини берди. Шунингдек, бу қарор пахтани етиштиришга сарфланадиган харажатларни ҳам тўла қоплашга шароит яратди. Энг муҳими эса пахта теримини маъмурий-буйруқбозликсиз, шов-шувларсиз, теримчи ва механизаторларнинг куч-ғайратларига таянган ҳолда уюштириш учун замин яратди.

Пахта хом ашёси ва пахта толаси харид ҳамда улгуржи нархларининг оширилиши ҳар тонна тола ҳисобига 3026 сўм қўшимча даромад олиш имконини беради. Агар ўтган йилга таққослайдиган бўлсак, 6060 сўмдан 9086 сўмга кўпайди. Пахтанинг харид нархлари ўртача ҳар тоннага ҳисоблаганда 1630 сўмдан 2520 сўмга ошди ёки ҳар тонна баҳоси 890 сўмга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта толаси ва пиллани сотиш масалалари тўғрисида»ги Фармони асосида бу йил ва ундан кейинги йилларда республика пахтакор хўжаликлари белгиланган топширикдаги пахта толасининг 5 фоизини ҳамда белгиланган ҳажмдан ортиқча териб олинган пахтанинг ҳаммасини мамлакат ичкарисида ва ундан ташқарида ихтиёрий равишда сотадилар.

Хўш, бу қандай амалга оширилади? Ҳар бир хўжалик етиштирилган жами пахтасини топширгандан сўнг, пахта тозалаш заводи билан ҳисоб-китоб қилади ва далолатнома тузади. Хўжаликка барча топширилган пахтаси учун пахта тозалаш заводи ҳақ тўлайди. Далолатномага асосан пахта тозалаш заводларида сотиш мўлжалланган ҳосил алоҳида сақланади ва ҳисобга олинади. Хўжаликнинг рухсати билан пахта тозалаш заводи хўжалик лозим топган пахтани харидорга жўнатади.

Бунда хўжалик пахта тозалаш заводига пахта толасининг улгуржи баҳосини (қийматини) юклаш ва транспорт харажатларини тўлайди. Сотилган толадан келган маблағнинг ҳаммаси хўжаликка тегишли бўлади. Пахтани қайта ишлаш ва сақлаш харажатлари толанинг улгуржи баҳосида (қийматида) бўлганлиги сабабли хўжалик бу харажатларни тўламайди. Хўжалик пахта толасини ўз ихтиёри билан давлат ташқи савдо алоқаси қўмитаси орқали чет давлатларга, биржаларга, тўғридан-тўғри келишилган шартномалар асосида қардош республикаларга сотиш ёки зарур молларга айирбошлаш ҳуқуқига эгадир.

Пахта хом ашёси ва пахта толаси харид ҳамда улгуржи нархларининг оширилиши республикамиз хўжаликларига бу йил ўз қаддиларини анча тиклаб олиш имконини беради. Бундан аввал шоли, маккажўхори, жуннинг харид нархлари ошиши натижасида давлат ва жамоа хўжаликлари қўшимча 300 миллион сўм даромад қилган эдилар. Пахта толаси харид нархининг оширилиши билан эса хўжаликлар бу йил қўшимча суратда яна миллионлаб сўм даромад оладилар.

Бу тадбирлар кейинги вақтларда хўжаликлар бу йил зарар билан йилни якунлашади, деган хавфни бутунлай йўқотди. Ҳатто, у техника, ўғит ва бошқа нарсаларга кетган харажатларни ҳам қоплайди.

Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори деҳқонларга ҳар ойда тўланадиган 100 сўм тўловни ҳам қоплаш имконини беради. Бу ғамхўрлик шу йил ва кейинги йилларда хўжаликларга фақат фойда билан чиқиш учун кенг имконият беради.

АНДИЖОН ДОВОН ОШДИ

Андижон вилояти пахтакорлари ҳам зафар қучдилар. Йиллик пахта тайёрлаш режаси ошириб адо этилди!

Давлат қабул пунктларига 370 минг тоннадан зиёд пахта топширилди. Вилоят пахтакорлари ҳар гектар ердан 28 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олдилар. Шуниси қувончлики, ялпи ҳосилнинг 95 фоизи юқори навларга топширилди. Айни пайтда 25 минг тонна уруғлик пахта тайёрлаб қўйилди.

Андижонликларнинг мақсади вилоят пахта хирмонини 400 минг тоннага етказишдир.

(Вилоят пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган мақолалар кейинги сонда ёритилади).

ИМОНИ ПОКИЗА ИНСОНЛАР

Пўлат Мўмин
УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ

Деҳқоним, даланга боқсам, сержило,
Валокин атрофда турфа муаммо...
Кимлардир доғ солди пахтангга, илло —
Пахтангда гуноҳ йўқ, пахтанг мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Мустақиллик йўли очилди энди,
Пишанг кўтаришлар, дағдаға тинди.
Истиқбол манзилинг яққол кўринди,
Пахтангда гуноҳ йўқ, пахтанг мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Кулиб боқди сенга кутганинг тақдир,
Узингга пишиқ бўл, ишлатгил тадбир!
Гина-кудуратни нари улоқтир.
Қалбингдай оппоқдир, пахтанг мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Бошингда нур «очган қуёш бор эди,
Қалбингда тузумдан зил тош бор эди...
Чидадинг, ҳа, сенда бардош бор эди!
Пешона теринг ул пахта мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Қуюнга ўхшайди нарху баҳолар...
Эплай олмаётир не-не даҳолар!
Оғзин очмоқдадир аждар юҳолар...
Энг зарур ошиё, пахта мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Адашма, деҳқоним, энди меъёрдан!
Ёмғирга тутилма, қутилиб қордан,
Таъналар эшитма чин дўсту ёрдан.
Она ер туҳфаси—пахта мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Тушмасин ҳеч қачон оқ пахтангга доғ,
Қадду қоматингга ҳавас қилсин тоғ.
Давраларда кўрсам сени соғ ва чоғ,
Очилган гул эрур пахтанг мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Ўзга чанг солмасин еган нонингга,
Ёмон кўз тегмасин дастурхонингга,
Барака тилайман оқ хирмонингга,
Мисоли олтиндай пахтанг мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Деҳқоним, билиб қўй, аҳли Туронмиз!
Маррага етибсан ёлғон, суронсиз.
Нонимиз бутунмас пахта хирмонсиз,
У ҳам бир мўъжиза, пахта мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо.

Энди йўл қўймагил асло хатога,
Мўмин таъзимдадир, қўл оч дуога:
Етгил Мустақиллик, эрк, муддаога!
Пахтангда гуноҳ йўқ, пахтанг мусаффо,
Имони покиза, эй, деҳқон бобо!

Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида ШАРТНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

лигига зиён етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни қилмаслик мажбуриятини оладилар.

2-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз фуқароларига миллати, дини ёки ўзга тафовутларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликни кафолатлайдилар.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Украина ҳудудида яшовчи барча СССР фуқароларига улар қайси томоннинг ҳудудида яшасалар, шу томоннинг фуқаролик тўғрисидаги қонунларига мувофиқ унинг фуқаролигини олиш ҳуқуқини кафолатлайдилар.

Томонлардан бири ҳудудида истиқомат қилувчи шахсларнинг бошқа томон фуқаролигини олишига доир масалалар томонларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунларини ҳисобга олган ҳолда тегишли битимлар билан тартибга солинади.

3-модда

Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа томоннинг фуқароларига уларнинг миллати, дини ёки бошқа тафовутларидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умум эътироф этган халқаро нормаларга мувофиқ тарзда фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ва эркинликлар берилишини кафолатлайди.

Томонлардан ҳар бири бошқа томон ҳудудида истиқомат қилаётган фуқароларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилади, умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ уларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад беради.

4-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи миллий озчиликнинг этник, маданий, тил ва диний ўзига хослигини ифодалаши, сақлаб қолиши ва ривожлантиришига кўмаклашадилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Украина, Украинада яшовчи ўзбекларнинг ва Ўзбекистонда яшовчи украинларнинг тил ва бошқа миллий-маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. Томонлар шу эҳтиёжларни қондиришда амалдаги қонунлар доирасида ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар Ўзбекистонда яшовчи қрим-татарларини ўз тарихий ватани Қримга қайтариш муаммоси бўйича ҳукуматлараро битим тузиш тўғрисида маслаҳатлашиб туриш ва музокаралар олиб боришни зарур деб ҳисоблайдилар.

5-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз халқлари ва давлатларини сиёсат, иқтисод, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, фан, техника, савдо-сотиқ, гуманитар ва бошқа соҳалардаги тенг, ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирадилар, ахборотларни кенг миқёсда айирбошлашга, муштарак мажбуриятларга ҳалол ва сўзсиз риоя этилишига кўмаклашадилар.

Томонлар ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузишни зарур деб ҳисоблайдилар.

6-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Украинанинг ҳозирги чегаралари доирасидаги ҳудудий бир бутунлигини эътироф этадилар ва ҳурмат қиладилар.

7-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар халқлар ўртасида тинчликни янада мустаҳкамлашга интилиб, ҳар икки давлатнинг мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида томонларнинг мустақиллик тўғрисидаги декларациялари асосида ва БМТ уставига мувофиқ ҳамкорлик қилишларини зарур деб эътироф этадилар.

8-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўзларининг умумий мувофиқлаштирувчи муассасалари орқали тенг асосда биргаликда амалга оширладиган фаолиятлари доирасига қуйидаги масалалар киради деб эътироф этадилар:

— инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;
— ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;
— умумий иқтисодий майдонни, Евразия бозорини шакллантириш ва ривожлантиришда, бож сиёсати соҳасида ҳамкорлик қилиш;
— транспорт ва алоқа системаларини, жумладан йўлдошлар орқали алоқа ва телекоммуникацияни бошқариш;
— ўз ҳудудида теварак-атрофни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, экологик хавфсизликнинг кенг қамровли халқаро системасини яратишда иштирок этиш;
— миграция сиёсати;
— жиноятчиликка қарши кураш.

9-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Чернобиль ва Орол ҳалокатининг планетар характерини англаб, шу фалокат билан боғлиқ муаммоларнинг барча жиҳатлари бўйича ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаш тўғрисида махсус битим тузадилар, шунингдек ҳалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан куч-ғайратларини кенг кўламда, шу жумладан халқаро миқёсда бирлаштирадилар ва мувофиқлаштирадилар.

10-модда

Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири бошқа томоннинг ўз ҳудудида мулкчилик турлари ва шаклларини мустақил равишда белгилаш ва мулкий муносабатларни мустақил равишда тартибга солиш ҳуқуқини тан олади.

Бир томоннинг бошқа томон ҳудудида жойлашган давлат мулкининг, юридик шахслар ва фуқаролар мулкларининг ҳуқуқий режими шу томоннинг қонунларига мувофиқ тартибга солинади.

Томонлар умумиттифоқ мулки деб топилган молмулкларга оид барча масалалар томонларнинг қонунлари ҳисобга олинган ҳолда тегишли битимлар билан тартибга солинади, деб келишиб олдилар.

11-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўзаро манфаатли иқтисодий, савдо, илмий-техникавий муносабатларни:
— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари;
— банклар ва молия системаси;
— фанлар академиялари;
— ҳудудий (муниципал) ўзўзини бошқарув органлари;
— корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасалар;
— қўшма ўзбек—украин ва украин—ўзбек корхоналари ва ташкилотлари;
— индивидуал тадбиркорлар даражаларида ривожлантирилишини рағбатлантирадилар.

Томонлар хўжаликлараро муносабатларнинг, савдо йўли билан айирбошлашнинг, барча турдаги алоқа ва юк ташишларнинг кон-

ҲУДУДИНГ БЎЛГАЙ БЎСТОН!

Мирзачўлни ўзлаштириш бошланганлигининг 35 йиллигига

ҚЎРИҚ ЕР ФИДОКОРЛАРИ

ЯНГИЕР (Ўзбекистон овози» мухбиридан). Мирзачўлни ўзлаштириш тарихида ўзига хос ўрин топган ва чўлқуварлар штаби дея ном олган бу шаҳарга бугун эрта тонгданоқ меҳмонлар кела бошладилар. Улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

— Бизлар чўлни ўзлаштирдик, чўл эса бизларни тобладди, чиниқтирди ва эл-юртга танитди, — дейди фахрийлардан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожиқўзи Болтабоев. — Мен бу ерга қалб амри билан келган эдим. Ёшлигим, ҳаётим шу ерда ўтди. Кўз ўнгимда эса чўлнинг янги забткорлари, ўтюрак ёшлар камолга етдилар. Энди уларни кўриб, ҳавасим келади.

Бугунги кунда марҳумлар Мамажон Дадажонов, Собиржон Сиддиқов, Тоғай Идиқулов сингари чўл тарихида ўчмас из қолдирган меҳнат қаҳрамонларининг номлари алоҳида ҳурмат-эҳтиром ила ёдга олинмоқда.

Меҳмонлар орасида қўшни Жиззах, Тошкент вилоятлари, қардош жумҳуриятларнинг вакилларини ҳам кўплаб учратиш мумкин. Балки Мирзачўл қўриғини ўзлаштиришда биргина қўшни вилоятлар эмас, бутун мамлакат вакиллари иштирок этдилар. Бу ерда халқлар дўстлигининг янги ва ёрқин саҳифалари очилди.

Шаҳардаги қурувчилар санъат саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида батафсил сўз юритилди. Йиғилишни халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши раиси А. Айдарқулов кириш сўзи билан очди. Вилоят ижроия қўмитасининг раиси Б. Маҳмудов эса чўлни ўзлаштириш йўлида бошланган ҳал қилувчи ҳужумнинг 35 йиллиги муносабати билан босиб ўтилган қаҳрамонона кураш йўллари ҳақида маъруза қилди. Чўлни ўзлаштириш фахрийлари бирин-кетин сўз олиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Бу ишни мардона давом эттираётган чўлқуварларнинг ҳозирги авлодига муваффақиятлар тиладилар.

Байрам тантаналари шаҳарнинг «Целинник» стадионида давом эттирилди. Бу ерда 35 йилликка бағишланган байрам концерт программаси намойиш этилди ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Сирдарё вилоятида байрам тантаналари давом этмоқда.

А. УМАРОВ.

ИШЧИЛАР МАДАДИ

Жумҳуриятимиз пахтакорлари тоғ-тоғ хирмон уюб зафар маррасига эришганликларини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ахир не-не қийинчиликларга қарамасдан, меҳрини, сеҳрини пахтага бериб, мўл ҳосил етиштирган бободеҳқон фаолиятидан қувонмай бўладими?

Хурсандчилигимнинг яна бир боиси бор. Пахтакорга биз, ишчилар ҳам мададкор бўлдик. Заводимизда тайёрланган тележка-прицеплар мавсум давомида механизаторга қўл келди, унинг ишини енгиллатишга ёрдам берди. Тўғри, бу йил таъминотдаги узилишлар туфайли қишлоқ меҳнаткашлари эҳтиёжи даражасида прицеплар ишлаб чиқаришда қийналдик.

Бироқ биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Корхона ички резервлари ишга солинди. Бошқа минтақадаги таъминотчилар билан тўғридан-тўғри алоқалар қилишга ўтилди. Хуллас, имконият излаб, аҳволни яхшилашга интилдик. Тинимсиз саъйи-ҳаракатларимиз эвазига 10 ойлик прицеп ишлаб чиқариш режаси бажарилди. Мавсум давомида тайёрлаган маҳсулотларимиз пешма-пеш пахтакорлар ихтиёрига жўнатиб турилди. Дарвоқе, қўшни жумҳуриятлар пахтакорлари ҳам армонда қолишмади. Уларга тракторлар ва прицепларни шартнома асосида юбордик.

Эндиликда бирлашмада хўжалик юритишнинг янги усулларини кенгроқ жорий қилишга ва шу тариқа маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эътибор кучайтирилмоқда.

С. ТОЖИЕВ,

Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиғи.

ОИЛАВИЙ ДАРОМАД— 40 МИНГ СЎМ

Мен ўн йилдан буён машинада пахта тераман. Утган йили 110 тонна пахта тергандим. Бу йил шу кунгача терган пахтам 210 тоннадан ошди.

Энг муҳими, бу йил пахтадан оладиган даромадимиз юқори бўлади. Биз оиламиз билан 40 минг сўмдан ортиқ даромад қилишимиз кўзда тутилмоқда. Бунинг учун асос бор. Укам ҳам машинада пахта терди. Икки синглим, опам далада меҳнат қилишди. Мана оддий бир мисол: мен ўзимнинг даромадимни хомчўт қилиб кўрадиган бўлсам биринчи теримда терган 190 тонна пахтам учун 4750 сўм олдим. Иккинчи теримдаги 20 тонна пахтам учун эса минг сўм. Бундан ташқари биринчи тонфадаги мутахассис бўлганим учун иш ҳақимга 25 фоиз қўшимча оламан. У 1431 сўм бўлади. Пахтанинг ўзидан 7181 сўм ишлаган бўлсам, йил давомида 2100 сўм ойлик олдим. Буларнинг ҳаммасига мукофот пули ва ҳар сўмимга бир сўм 50 тийиндан қўшимча ҳақ оладиган бўлсам, йиллик даромадим 23 минг сўмдан ортиб кетади. Мана энди механизатор укам, сингилларим ва опам ишлаган иш ҳақларини қўшсак, оилавий даромадимиз 40 минг сўмдан кам бўлмайди. Аммо бу даромад соғлиғимиз, бутун оила аъзоларимизнинг тиним билмай меҳнат қилиши эвазигагина олинди. Истардикки, бизга ҳам дам олишимиз, шаҳарликлар каби яйраб яшашимиз учун қулай шарт-шароитлар яратилса...

А. СОҚИЕВ,

Поп районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси.

БАРАКА КИРЯПТИ

Пахтакорликнинг ўзига яраша завқи бор. Кўкламда экилган чигитнинг униб чиқишини кўриш, кўз ўнгингда бўй чўзишини кузатишга не етсин. Йил бўйи қилинган меҳнатинг кузда чаноқларда тошиб турган оппоқ, лўппи пахтага айланганлиги кимга ҳузур бахш этмайди, дейсиз.

Бу йилги мавсум айниқса қувончли бўлди. Баҳордаги қийинчиликларга қарамай, ҳамма пайкалларда мўл ҳосил етиштирдик. Айниқса, қўлда терилган пахтанинг ҳар бир килограммига 40 тийиндан тўланиши ғайратимизга ғайрат қўшди. Чунки қанча кўп пахта терсак, манфаатдорлигимиз шунча юқори бўлади-да.

Хўжалигимизда мавсумнинг дастлабки кунидан юқори суръат таъминланди. Шунинг учун қисқа муддатда қабул пунктларига 2150 тонна пахта топшириб, йиллик режани муддатидан илгари уддалашга муваффақ бўлдик. Ҳар гектар ер қайтими 32 центнерни ташкил этди.

Бу катта хирмонга мен 8 минг килограмм пахта териб топширдим. Оладиган иш ҳақим ҳам меҳнатимга яраша юқори бўлмоқда. Ҳали хўжалигимиз, хусусан бригадамиз далаларида ҳосил кўп. Уни сўнгги мисқолигача албатта териб оламиз. Боиси, режадан ташқари топширилган пахтани энди ўзимиз сотишимиз мумкин. Бу даромадимизга барака киритиши табиий. Шуни ҳисобга олган хўжалигимиз аъзолари далаларда суръатни бўшаштирмай тер тўкишяпти. Ўзим кунига 80-90 килограммдан пахта теряпман.

Терилган пахта учун тўланадиган ҳақнинг оширилиши режага биноан тайёрланган хом ашёнинг беш фоизи ва режадан ортиқчасининг ҳаммасини хўжаликлар ўзлари тасарруф этишларига имконият берилиши юқорида айтганимдек даромадимизни кўпайтиряпти. Аммо пул бўлгани билан шароит бўлмаса қийин экан.

Мен шаҳарларга, айниқса, пойтахтга борганимда одамларнинг турли хил қулайликлардан баҳрамандлигини кўриб ҳавас қиламан. Аммо лозим бўлса баъзида биз эрта саҳардан то кун ботгунча ишлаймизу радио эшитиш, телевидениенинг айрим эшиттиришларини кўришдан бошқа нарсани билмаймиз. Телевизорда гоҳи айрим жойларда қишлоқ меҳнатчилари учун яратилган шароитни кўрганда наҳотки бизларда шундай қилиш мумкин эмас, деб ўйга толаман.

Аслида гап хоҳиш-истакда. Раҳбарларимиз режани бажарсак бўлди, деб ўйлашади. Ахир ўша режани ким адо этади? Оддий деҳқон эмасми? Шундай экан, меҳнат қилган элда азиз, деган иборанинг тўла маъно касб этишига, яъни қақиқий ғамхўрликка муштоқмиз.

О. ХОЛМАТОВА.

Шўрчи районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги теримчиси.

Жумҳурият пахта солномаси

25—30 МАРТ. Жанубий вилоятлардаги тупроғи етилган майдонларда чигит экиш бошланиб кетди.

1—10 АПРЕЛЬ Оммавий чигит экиш бошланиб кетди.

30 АПРЕЛЬ. Режада белгиланган бир миллион 700 минг гектар ерга барака уруғи қадаб бўлинди.

25 АПРЕЛЬ—10 МАЙ. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикаси далаларида бўлиб ўтган кучли ёмғир, сел, бўрон туфайли қарийб ярим миллион гектар ердаги ўсимлик жиддий офатга учради.

360 минг гектар ер бузилиб, қайта чигит экилди.

4 ИЮНЬ. Табиий офатдан зарар кўрган ерларнинг сўнгги гектарларига уруғ ташлаб бўлинди.

20—25 АВГУСТ. Сурхондарё вилоятининг Ангор, Термиз, Шеробод районларида пахтани танлаб теришга киришилди.

1—5 СЕНТЯБРЬ. Ғўза дефолиацияси бошланди.

8—10 СЕНТЯБРЬ. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида машина терими бошланди.

5—10 ОКТЯБРЬ. Олот, Ромитан, Баҳористон, Ангор, Оқолтин, Бухоро районлари йиллик режани биринчилардан бўлиб адо этдилар.

15 ОКТЯБРЬ. Бухоро вилоятида пахта тайёрлаш режаси республикада биринчи бўлиб бажарилди.

26 ОКТЯБРЬ. Республика механизаторлари кейинги ўн йилда биринчи маротаба пахта тайёрлаш режасини уддаладилар. Терим агрегатлари бункеридан 2,6 миллион тонна «оқ олтин» тўкилди.





СУРАТЛАРДА: 1. Киров районидаги Киров номли давлат хўжалигининг илғор теримчиси М. Абдуназарова. 2. Бекобод районидаги «Ленинград» давлат хўжалиги хирмонида. 3. Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси Урозали Бўтаёров. 4. Ромитан районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги илғор механизаторлари С. Сафарова билан М. Камолова. 5. Пахтакор районидаги пахта тозалаш заводида.

Сурат муаллифлари: Т. Маҳкамов, А. Тўраев, М. Ғуломов, И. Хўжаев ва А. Мальцев.

Ким қанча ҳисса қўшди

Республикамизда йиллик пахта тайёрлаш режаси 50 иш кунида бажарилди. Оғир шароитларга қарамай, мана шундай қисқа муддатларда ғалабага эришилгани қувончлидир, албатта. Жумҳуриятимизнинг улкан хирмонига вилоятлар қуйидагича ҳисса қўшишди:

Қашқадарё — 510 минг тоннадан зиёд
Бухоро — 502 минг тоннадан ортиқ
Сурхондарё — 445 минг тоннадан зиёд
Фарғона — 427 минг тоннадан кўпроқ
Андижон — 370 минг тоннадан ортиқ
Сирдарё — 352 минг тоннадан зиёд
Самарқанд — 351 минг тоннадан ортиқ
Жиззах — 333 минг тоннадан зиёд
Наманган — 332 минг тоннадан зиёд
Тошкент — 322 минг тоннадан ортиқ
Қорақалпоғистон республикаси — 250 минг тоннадан ортиқ.
Хоразм — 243 минг тоннадан кўпроқ

● Ҳали маррага етмаган вилоятлар, районлар ва хўжаликлар бор. Улар ҳам ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, ваъдаларининг устидан чиқишларига ишонамиз.

Жумҳуриятимизда фақат пахтанигина эмас, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини ҳам мумкин қадар тезроқ саранжомлаб олишга эришайлик!

крет механизмлари, шунингдек иқтисодиёт ва ахборот соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ҳукуматлараро битимлар билан тартибга солинади, деб келишиб олдилар.

Томонлар бир-бирига зиён етказувчи ва издан чиқарувчи бир томонлама иқтисодий чораларни қўлламайдилар.

12-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўзаро маҳсулотлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш, тўловлар, нархнаво ва қимматли қоғозлар муомаласи тўғрисида, шунингдек жаҳон нархлари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларга ўтиш муддатлари тўғрисида ҳукуматлараро битимлар тузадилар. Бу битимлар рўйхати тўлдирилиши мумкин.

Томонлар нарх сиёсатини мувофиқлаштириш чораларини кўришни зиммаларига оладилар.

13-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз ҳудудларида жойлашган денгиз, дарё ва ҳаво портлари, темир йўллар, автомобиль йўллари ва қувурлар орқали транзит транспорт операцияларини таъминлайдилар.

Транзит транспорт операцияларини амалга ошириш шартлари ва тартиби томонларнинг махсус битимлари билан белгиланади.

14-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар давлатлараро муносабатларнинг барча бошқа соҳаларида шартномалар ёки битимлар тузиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

15-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар яқин вақт ичида бир-бирларида дипломатик ва бошқа хил мухтор ваколатхоналар очишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ваколатхоналар очиш тартиби ва уларнинг мақоми махсус битимлар билан тартибга солинади.

16-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилингунига қадар Украина Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси билан унинг манфаатларини шу халқаро ташкилотда ҳимоя қилади, деб келишдилар.

17-модда

Ушбу шартнома нормаларини шарҳлаш ва тадбиқ этишга оид низолар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

18-модда

Ушбу шартнома олий аҳдлашувчи томонларнинг учинчи давлатларга нисбатан олган мажбуриятларига ва томонларнинг шартномада белгиланган биргаликдаги фаолияти соҳасида ва коллектив хавфсизлик системасида учинчи давлатларнинг иштирок этиши тўғрисида улар билан шартномалар тузиш ҳуқуқларига дахл қилмайди.

19-модда

Олий аҳдлашувчи томонлар ушбу шартноманинг ижроси юзасидан мунтазам равишда икки томонлама маслаҳатлар ва музокаралар ўтказиб турадилар.

20-модда

Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома ёки унинг айрим моддалари амал қилишда давом этишининг қанчалик мақсадга мувофиқлиги тўғрисида машваратлар доирасида музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ушбу шартноманинг қоидаларига қўшимчалар ёки ўзгартишлар киритилиши мумкин.

21-модда

Ушбу шартнома ратификация қилиниши керак.

Ратификация ёрлиқларини айирбошлаш маросими Киев шаҳрида бўлади.

Ушбу шартнома ратификация ёрлиқлари айирбошланган куни кучга киради.

22-модда

Ушбу шартнома ўн йил муддатга тузилади.

Башарти томонлардан ҳеч бири шартномани бекор қилиш истагини шартнома муддати тугашидан камида олти ой олдин ёзма равишда баён этмаса, шартноманинг амал қилиш муддати кейинги ўн йилга узайтирилади.

Шартнома 1991 йил 28 октябрь куни Тошкент шаҳрида икки нусхада ҳар бири ўзбек ва украин тилларида тузилди ва ҳар иккала матн бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Украина номидан
Украина Олий Кенгаши Раиси
Л. КРАВЧУК.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ВА УКРАИНА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАСЛАҲАТЛАР ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Украина Ташқи ишлар вазирлиги (қуйида «Томонлар» деб аталувчи)

суверен тенглик, территориал бутунлик, ички ишларга аралашмаслик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларига таяниб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми принципларига, халқаро ҳуқуқ нормалари ва бошқа умумий тан олинган принципларга ва шунингдек, 1991 йил 28 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги давлат муносабатлари асослари ҳақидаги Шартнома қоидаларига мувофиқ иккала халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини бундан буён ривожлантиришга бўлган хоҳиш-иродаларидан келиб чиқиб,

Ўзбекистон Республикаси ва Украина Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро манфаатларни ифодаловчи масалалар юзасидан турли даражаларда олиб борилиадиган музокаралар ва ўзаро маслаҳатларнинг муҳимлигини маъқуллаб,

қуйидагилар ҳақида аҳдлашиб олдилар:

1. Томонлар ўзаро манфаатларни ифодаловчи республикаларо, халқаро, минтақаларо масалалар ва иккиёқлама муносабатлар юзасидан ташқи ишлар вазирлари даражасида мунтазам равишда музокаралар ва ўзаро маслаҳатлар олиб борадилар, мазкур тадбирлар вазирлар ўринбосарлари, вазирликлар бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассислари даражасида ўтказилиши мумкин. Ўзаро келишилган ҳолда махсус масалаларни кўриб чиқиш учун мутахассислар ёки ишчи гуруҳлари ташкил қилиниши мумкин.

2. Музокаралар ва ўзаро маслаҳатларнинг ўтказиладиган жойи, муддати, кун тартиби ва даражаси, алоқаларнинг навбати ва мунтазамлигининг кераклиги зарурияти тушунилган ҳолда аввалроқ ўзаро келишиб олинади. Ўзбекистон Республикаси ва Украина ташқи ишлар вазирлари ёки уларнинг топшириқларига биноан бошқа шахслар ўртасидаги учрашувлар йилига камида бир марта, навбати билан Тошкентда ва Киевда бўлиб туради.

3. Томонларнинг делегациялари ва дипломатик вакиллари турли халқаро йиғинларда иккала давлат учун ўзаро манфаатларни ифодаловчи турлича масалалар юзасидан амалий ҳамкорлик руҳида ўзаро маслаҳатлашиб оладилар.

4. Ушбу Протокол имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлардан бири иккинчи томонга протоколнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги хоҳишини ёзма равишда билдирган вақтдан бошлаб ўз кучини йўқотади.

5. Ушбу Протокол 1991 йил 28 октябрда Тошкент шаҳрида икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва украин тилларида имзоланди ва иккала матн ҳам бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
Ш. Н. МАҲМУДОВА.

Украина ташқи ишлар вазири
А. М. ЗЛЕНКО.

АМАЛИЙ ТАШРИФ

29 октябрь куни Кипр Республикасининг Президенти Георгиос Василиу Тошкентга амалий ташриф буюрди.

Кипр республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган аэропортда олий меҳмонни Ўзбекистон Республикасининг Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ташқи савдо алоқалари давлат комитетининг раиси У. Т. Султонов, ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков, Тошкент вилоят Советининг раиси С. Д. Сайдалиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кипр Президентига республика ҳукуматининг масъул ходимлари, Кипр республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Х. Христофору ҳамроҳлик қилмоқда.

СССРнинг Кипр республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Г. Занков ҳам у билан бирга келди.

Г. Василиу Ўзбекистон раҳбарлари билан учрашади, республика ҳаёти билан танишади

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

Тошкентда «Ҳозирги дунёда инсонпарварлик ҳуқуқлари» мавзусида халқаро семинар иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой жамияти марказий комитетининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Семинар иш режасига Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятларининг фаолияти, миллий қонунларга халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини жорий этиш, бундай ҳуқуқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаб қўйиш билан боғлиқ жуда кўп долзарб муаммолар киритилган. Бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинмоқда.

Семинар иш режасида хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида учрашув, Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат катта академик театрига бориш, Самарқанд шаҳрига саёҳат қилиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб вилоят хотин-қизлар кенгаши қўмитаси мустақил иш юрита бошлади. Эндиликда қўмита ўзининг иқтисодий ва ижтимоий масалаларини ўзи ҳал этади. Вилоятда 674 нафардан зиёд аёлнинг ҳар иккидан бири ёрдамга муҳтождир. Республикамизда биринчи бўлиб худди мана шу ерда вилоятнинг «Назокат» рўзномаси чиқа бошлади.

СУРАТДА: вилоят аёллар кенгаши қўмитаси раиси Бўритош Шодиева кўп болали она Сорахон Саидмуродованинг оиласида.

И. ХУЖАЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.

Таҳририятимиз меҳмони

«ОЗАРБАЙЖОН ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТ»

Куни кеча таҳририятимизда «Панорама Азарбайджана» («Озарбайжон ҳақида ҳақиқат») рўзномаси вакили — бош муҳаррир муовини Меҳмон Фарзуллаев меҳмон бўлди. Суҳбат мавзуи у ишлаётган рўзнома ва унинг мундарижаси ҳақида борди.

— Иттифоқ миқёсида чиқаётган ҳафталик рўзномамиз Озарбайжон республикасининг Москвадаги ваколатхонаси қошида нашр этиляпти, — деди суҳбат чоғида М. Фарзуллаев. — У кичик ҳажмда, 8 саҳифадан иборат. Унда Озарбайжоннинг кундалик сиёсати, иқтисодий ҳаёти, бошқа мустақил республикалар билан ўзаро алоқалари ҳақида фақат тўғри, ҳаққоний хабарлар босилади. Рўзнома ҳар қандай партиядан ҳоли, мустақил нашр. Ҳозирча у рус тилида чоп этиляпти. Кейинчалик араб, турк, немис тилларида, келгуси йилдан бошлаб эса инглиз тилида ҳам чоп этилади. Рўзнома Озарбайжон ҳаёти билан қизиқадиган барча муштарийларга мўлжалланган.

— Айтингчи, нима учун рўзномангиз Боку шаҳрида эмас, балки Москвада чиқарилмоқда?

— Марказий рўзномалар Ўзбекистон ҳаётини атайлаб бузиб ёритаётгани сингари Озарбайжон республикасида содир бўлаётган туб ўзгаришларни ҳам қасддан бузиб талқин этмоқда. Бунинг сабаби эса ҳаммага аён—республикани марказга қарамликда сақлаб қолиш. Республикамиз ҳақида фақат ҳақиқатни муштарийларга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган рўзномамиз жамоаси унинг зудлик билан бутун мамлакатга тарқалишини таъминлаш учун газетани Москва шаҳрида чоп этишни бирдан-бир тўғри йўл деб топди. Республика ҳукумати ҳам буни маъқул кўрди. Рўзномамиз муштарийлари Ўзбекистонда ҳам кўп. Шу сабабли ҳамкасб сифатида обунамизга ёрдам берсангиз, бениҳоя миннатдор бўлардик. Обуначилар учун бизнинг индексимиз—50106. Ҳафталик рўзноманинг бир йиллик обуна нархи — 20 сўм 80 тийин.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ШАРТ

24 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият мажмуида мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ижтимоий соҳа масалаларига оид фармонлари бажарилишига бағишланган масала муҳокама қилинди. Унда жумҳуриятдаги бир қатор вазирликлар ва идораларнинг, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва вилоятлар ижроия комитетларининг раҳбарлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Мажлисда Республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, олий ва ўрта махсус таълим вазири Ш. О. Алимов, ижтимоий таъминот вазирининг ўринбосари А. Д. Нарзиев, қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Т. Н. Набиев, шунингдек Сирдарё вилояти ижроия комитети раисининг ўринбосари С. А. Ғуломова, Жиззах вилояти ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Я. Субхонова, Тошкент вилояти ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Ҳ. Ҳамидовларнинг ҳисоботлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бошланғич синфлар ўқитувчилари иш ҳақини ошириш тўғрисида», «Аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари стипендиясини ошириш тўғрисида», «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида», «Нарх-навонинг ислоҳ қилиниши муносабати билан умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига умумий овқатланиш бўйича имтиёзлар берилиши хусусида», «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг маошларини ошириш тўғрисида», «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги ва бошқа фармонларини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Республика вазирликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ижроия комитети, вилоятлар ижроия комитетлари мазкур фармонларни амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиб, семинарлар ва кенгашлар ўтказган, уларни ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан муҳим тадбирлар белгилаган.

Халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш тармоқларида ижтимоий аҳволни яхшилаш учун ўтган йили маҳаллий бюджет ҳисобидан анча миқдорда маблағ ажратилган, унинг ярмидан кўпроғидан фойдаланилган.

Ижтимоий дастурни бажариш учун белгиланган умумий маблағдан 1—5 синф ўқувчиларининг бепул нонуштаси, камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёлларни бепул овқатлантириш ва зарур доридармонлар билан даволаш тадбирлари учун, ўқитувчиларнинг шаҳар транспортида бепул юриши учун талайгина маблағ ажратилди. Бу йил эса ана шу мақсад учун маблағ янада кўпайтирилди. Илмий-тадқиқот билимгоҳлари ходимларининг иш ҳақи оширилди. Кимсасиз фуқароларга бериладиган нафақа, иш стажи етмаган пенсионерларга пенсияни ошириш учун кетадиган харажатлар анча маблағни ташкил этади.

Ўқитувчиларнинг дарс соати камайтирилди. Натижада уларнинг ўртача иш ҳақи 35 фоиз ошди, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақи 15 фоиз, умуман эса 187,8 минг сўм кўпайди. Шунингдек, бошланғич синфларда музика ва ашула дарси, тасвирий санъат, жисмоний тарбия бўйича таълим берадиган мутахассис ўқитувчиларнинг иш ҳақи 32 минг сўм ошди.

Бажарилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, дейилди мажлисда, қайта тарификация ишлари ўз вақтида, ўқитувчиларнинг асосий қисмида олдинги дарс соатлари сақланган ҳолда ўтказилиши қарийб икки ярим минг ўқитувчини иш билан таъминлаш имконини берган. Биргина Наманган вилоятида 527 нафар бошланғич синф ўқитувчиси иш билан таъминланган. Тошкент шаҳар Куйбишев ноҳия ижроия комитетида ўқитувчилар учун бир қатор имтиёзлар белгиланган.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги студентларга стипендиялар, қўшимча маблағлар беряпти. Овқатланиш учун кунига 1,5 сўмдан пул, шунингдек компенсация ҳам тўланяпти.

Президент фармонларини ижро этиш натижасида халқ таълими, илмий-тадқиқот билимгоҳлари ва ижтимоий таъминот соҳаси ходимларининг моддий аҳволи бирмунча яхшиланганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди.

Республикада 35 минг нафар ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерлар яшайди. Шулардан 19.4 минг киши фермонда белгиланган имтиёзлардан фойдаланмоқда. Ижтимоий ёрдам берувчи 286 та бўлим очилган бўлиб, улар пенсионер ва ногиронларга уйида хизмат кўрсатмоқда. Ундан ортиқ «Ғамхўрлик» маркази ишлаб турибди. Улар 2,9 минг кишига хизмат кўрсатяпти. Кам даромадли кишилар учун қирққа яқин арзон моллар магазини очилган. Тошкент ва Шерободда қариялар интернат уйлари қурилмоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидланди мажлисда, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети фаолиятида Ўзбекистон Президентининг ижтимоий соҳа масалалари бўйича фармонларини бажаришда маълум камчиликларга йўл қўйилмоқда. Текширув шуни кўрсатдики, Сирдарё вилояти Оқолтин, Комсомол, Боёвут, Меҳнатобод, Ширин шаҳар ижроия комитетлари ҳозирги кунга қадар ўзгалар ёрдамига муҳтож пенсионерларга хизмат қилишни йўлга қўймаган. Улар учун бепул озиқ-овқат ажратиш тадбирлари амалга оширилмаган. Бундай аҳвол Фарғона вилоятининг Бувайда ва Ленинград ноҳияларида ҳам учрайди. Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, Амударё ноҳияларида, Самарқанд қишлоқ районларида, Хўжаобод, Жалолқудуқ, Марҳамат ноҳиясида эса бу муҳим вазифани бажариш пайсалга солинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илмий-тадқиқот билимгоҳлари ходимларининг иш ҳақи оширилган бўлсада, уларнинг маоши ўртача иш ҳақи миқдорида қолмоқда. Натижада илмий ходимлар бошқа соҳаларга, кооперативларга кетиб қолмоқдалар. Тошкент шаҳрида ёлғиз пенсионерларга, ногиронларга етарли эътибор берилмаётир.

Ўқитувчиларга идоралар қарамоғидаги уйларни хусусий мулк сифатида беришда катта камчиликлар мавжуд. Хоразм вилоятида уй-жой олиш учун навбатда турган ўқитувчилар кўп. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ўқитувчиларининг учдан бир қисмига квартиралар хусусий жой қилиб берилган, холос. Сирдарё вилоятида 3310 та ариза берган ўқитувчидан 1143 нафарига, Жиззах вилоятида эса 4431 та ариза берган ўқитувчидан 1519 нафарига квартира хусусийлаштириб берилган.

Ғаллаорол ноҳиясидаги «Музбулоқ», «Ғаллаорол», «Маржонбулоқ» хўжаликларида уйлар ўқитувчиларга ҳозирга қадар хусусийлаштириб берилмаган. Оқолтин ноҳиясидаги 1-мактабнинг 54 нафар ўқитувчисидан атиги 12 нафарига уй хусусийлаштириб берилган. «Сардоба» қишлоқ Кенгаши бу ишда сусткашлик қилмоқда. Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари эса уй учун пул тўлашни талаб қилмоқда. Юқорида номи тилга олинган вилоятларда ерга муҳтож ўқитувчиларга ер участкаси ажратиб бериш пайсалга солинмоқда.

Шуни айтиш керакки, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ва Термиз ноҳияларида Президент фармонлари эълон қилинганидан кейин ўтган ярим йил ичида бирорта ҳам ўқитувчи ёки тарбиячи хусусий уй-жой сифатида уй ололмаган. Юқорида айтиб ўтилган ноҳияларнинг ижроия комитетлари шу кунга қадар бу масала бўйича қарор қабул қилмаганлар. Зомин ноҳияси Ульяновск шаҳар Кенгаши коммунал хизмати соҳасидаги имтиёзларни ижобий ҳал этмаётир. Жиззах шаҳрида фармонларни бажариш юзасидан қарор қабул қилинган-у, лекин унинг аниқ бажарилиш муддатлари кўрсатилмаган.

Мажлисда республикамизнинг бир қанча вилоятларида 1—5 синфларнинг ўқувчиларини бепул овқатлантириш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигига тоқат қилиб бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди. Баъзи вилоятларнинг мактабларидаги ошхоналарнинг иши бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди. Бу ошхоналарда ўқувчилар овқатлари қиммат. Айрим маҳсулотлар, айниқса, гўшт ва сут нормада кўрсатилганидан кам берилмоқда. Баъзи ошхоналарнинг сентябрь ойидан буён ўқувчилар учун умуман сут олмаганлигини нима билан изоҳлаш мумкин, ахир. Мактаб ошхоналарига озиқ-овқат маҳсулотлари керакли миқдорда етказиб берилмаётир. Бу ерларда технологик асбоб-ускуналар, жиҳозлар, идиш-товоқлар, стуллар етишмайди. Савдо ходимлари шанига танқидий фикрлар айтилди. мактаб ошхоналарини қуриш ва уларни дид билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент фармонларининг ўз вақтида ижро этилиши, деб таъкидланди мажлисда, кўп ҳолларда халқ таълими раҳбарларининг ишчанлиги, уқувига, уларнинг муайян ноҳия ва шаҳар ташкилотлари раҳбарлари олдига ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларини қатъий равишда қўя олишларига боғлиқ, албатта.

Қишлоқ Кенгашларидаги кўпгина ходимларнинг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги сабабли ҳужжатларни расмийлаштиришда сансалорликка, Президент фармонларини ўз вақтида бажариш масалаларини ҳал этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий Кенгашларнинг ижроия комитетлари ушбу фармонларни бажаришни назорат қилишдан ўзларини четга олмоқдалар.

Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият, Соғлиқни сақлаш, Савдо ва Ижтимоий таъминот вазирликларига, Ўзбекбирлашувга маҳаллий Кенгашлар ижроия комитетлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий соҳадаги фармонлари ижросини назорат қилиб бориш, ҳайъат йиғилишларида, ижроия комитетларнинг мажлислари, маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида ушбу масала бўйича масъул идоралар ҳисоботларини мунтазам тинглаб туриш тартибини ўрнатиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президент фармонларини бажариш иқтисодий масала бўлибгина қолмай, жуда катта сиёсий масала ҳамдир. Буни жойлардаги мутасадди ҳар бир киши чуқур тушуниб етмоғи ва бу борада фаоллик кўрсатмоғи даркор.

Ўзбекистон мустақил Республика сифатида дадил қадам ташлаётган ҳозирги мураккаб шароитда Президент фармонлари аниқ ва сўзсиз бажарилиши лозим. Ҳозирги куннинг талаби ана шундай.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзТАГ мухбири.

• *САНЪАТ: ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР*

ҚАДР ОРТИДА ҚОЛМАСИН

Кейинги вақтларда ўзбек кинематографияси ва унинг ижодкорлари шанига кўплаб танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, биз бу эътирозларни кенг жамоатчиликдан, чинакам кино мухлисларидан эшитяпмиз. Мен бир киношунос сифатида дўстларимнинг, миллий экран санъатимиз жонкуярларининг ўринли таъна-дашномларига қўшиламан. Уларнинг фикр-мулоҳазаларида жон бор. Бунга мутасадди ўртоқлар, ижодий ташкилотлар, қолаверса, санъат арбоблари ўз вақтида эътибор бермасалар, қўшилмасалар бурч ва масъулиятга ўта лоқайд қараган бўлур эдик...

Бошқаларни билмадим-у мен кинематографиямизни аввалги фаол изланиш йўлига туширишдан юбориш, уни чинакамига ўнглаш учун биринчи навбатда икки муҳим масалага алоҳида эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

Аввало, жумҳурият Кинематография давлат қўмитасини қайта тиклаш лозим. Киностудияларнинг фаолиятини кузатиб, бевосита назорат қилиб турадиган бу «эга»нинг йўқлиги туфайли қўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Масалан, киностудияларнинг сони кундан-кунга ўсиб бораётганига нима дейсиз? Бадиий фильмларни ишлаб чиқарадиган бир студия ўрнида эндиликда ўнлаб студиялар ёмғирдан кейин чиққан қўзиқориндек потирлаб пайдо бўлди. Афсуски, ҳали уларнинг иш техникаси, ускуналари, энг муҳими, ижодкорлари йўқ. Бир-бирлари билан алоқа ўрнатмаганлар.

Ижод даргоҳлари хизматини ўташи лозим бўлган мазкур студиялар ижодиётни иккинчи ўринга суриб қўйиб, асосан иқтисодий масалалар билан шуғулланмоқдалар, яъни яратилажак фильмнинг пултопар бўлиши учун қайғурмоқдалар. Ҳақиқий ижод, изланиш, янги образли ҳамда техник воситаларнинг қўлланиши эса, улар ўзларининг тили билан айтганда «қадр ортида»! Катта пул беришга қодир бўлган корхона (ҳомий) излаш учун кўп вақт кетяпти. Топилгач, мафия фаолиятига бағишланган, севги-эҳтирос, шаҳвоний ҳолат ифодасига ўрғу бериб ёзилган сценарий устида бош қотирмоқдалар. Бундай ҳолда бадиий юксаклик, янги эстетик шаклларни синаб кўриш, ёшларнинг малакасини ошириш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Худди шу дамда ҳазрат Навоийнинг қаҳрамонларига экранда иккинчи умр беришга аҳд қилган муаллиф Н. Отахонов ва режиссёр Ҳ. Файзиев («Лайли ва Мажнун» сценарийсини назарда тутяпмиз») фильм учун пул тополмай юраверади...

Агар Кинематография давлат қўмитаси фаолият кўрсатиб турганида, аминманки, бундай бош-бошдоқликлар, ўзинг учун ўл етим, қабилида давом этаётган «изланишлар», ижодий жамоалар ва киночиларнинг бир-бирларидан узоқликларига, айрилиб қолишларига йўл қўйилмаган бўларди. Шунинг учун қўмитани қайта тиклашни орқага сурмай, тезлаштириш зарур.

Бадиий маданият тарихидан, изланишлардан яхши маълумки, санъат ўзаро алоқа қилиб турганида, унинг ижодкорлари мунтазам кўришиб, фикр алмашиб турганларида асарлар янада сифатли, янада мукаммал чиқади. Бу борада Тошкентда бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган Халқаро кинофестиваль катта роль ўйнаётган эди. Афсуски, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографчиларининг бу халқаро анжумани асоссиз равишда тўхтатиб қўйилди. Ўзбек киночиларининг чет эллик ҳамкасблари билан яхши, айтиш мумкинки, самарали йўлга қўйилган ҳамкорлиги имкониятларидан бебаҳра қолина бошланди. Хайриятки, яқинда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти бу анъанавий учрашувни яна давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзаро ижодий алоқалар — маданият юксалишининг омилларидан бири, деган ҳаёт ҳақиқатига амал қилиб чиқарилган бу ҳужжат кўнгилдаги гап бўлди.

Мен бу ерда кинофестивалнинг эндиги учрашувларини ташкил этиш, уюштириш борасида нималарга кўпроқ эътибор бериш зарурлиги ҳақидаги фикримни айтмоқчиман. Гап шундаки, аввалги фестиваллар фақат марказнинг, яъни Москванинг ҳоҳиши, кўрсатмаси ва сценарийси асосида ўтказиб келинарди. Республикамиз ўз мустақиллигини эълон қилган пайтда бундай «кўрсатмабозлик»ка амал қилиб бўлмайди.

Ўзбек элидаги учрашув Шарқ халқлари анъаналарига биноан ўтказилиши мумкин. Фестиваль репертуарига ҳавола қилинадиган асарларни хорижга сафар қилиб танлаб келиш учун Ўзбекистондан маданият арбоблари, мутахассислар юборилиши лозим. Анжуман кунлари хизмат қиладиган таржимонлар гуруҳини ҳам фақат тошкентлик тилшуносларидан тузиш керак.

Яна бир нарса. Тошкент фестивалини Москва анжуманининг кичикроқ нусхаси деб қарашга бутунлай чек қўйиш керак. Кинофестиваль ўтказишда чинакам мустақилликка эришиш учун ҳозирдан пухта тараддудни бошлаб юбориш лозим. Турли хорижий мамлакатлардаги кино ташкилотлари билан яқиндан узвий алоқа ўрнатиш даркор. Бунинг учун кинофестивалнинг Бош дирекциясини зудлик билан тузиб, унинг доимо ишлаб туришини таъминлаш керак. Халқаро (айниқса, араб мамлакатларида, Ҳиндистон, Япония, Хитой, Эрон, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида ўтказилаётган) анжуманларга вакиллар юборишни ҳеч кечиктириб бўлмайди. Шу йили ёзда Москва кинофестивали ғоятда совуқ ўтгани бизга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Хуллас, миллий кинематографиямизнинг бугунги ва эртанги куни янада мазмунли, самарали ва файзли бўлишида асқотадиган барча тадбирлардан, имкониятлардан ўз вақтида, пухта фойдаланишни изчил йўлга қўйишимиз лозим.

Ҳ. АКБАРОВ, филология фанлари доктори.

Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Қўмитаси Ўзбекистон радиоси жамоаси Ешлар учун эшиттиришлар Бош муҳарририятининг шарҳловчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист А. Аброрхўжаевга акаси

Лутфулла ХУЖААҲМАД ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноат ҳом ашёси ва маҳсулотлари билан таъминлаш ва сотиш Бош бошқармаси жамоаси мувофиқлаштириш бўлимининг бошлиғи А. В. Филатовга онаси

Альбина Ивановна ФИЛАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Султонбой СОБИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Республика «Узхлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси Жиззах «Хлопкопром» бирлашмасига қарашли Октябрь пахта заводининг директори

Зариф БОЗОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МУАССАСАЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ
қуйидаги малака ошириш мутахассисликларидан Жумҳурият хўжалик ҳисоби курсларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ШИФОКОРЛАР УЧУН:

— **игнарефлекс терапияси.** Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 645 сўм.

— **даволаш жисмоний тарбияси ва уқалаш.** Муддати — 15 кун. Ўқиш нархи — 170 сўм.

— **мануал терапия.** Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 640 сўм.

— **стоматологияда лазер терапиясини қўллаш.** Муддати — 15 кун. Ўқиш нархи — 718 сўм.

— **физиотерапия (гиёҳлар билан даволаш).** Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 235 сўм.

— **психосоматик касалликларнинг психсиптерапияси.** Муддати—1 ой. Ўқиш нархи—600 сўм. Паталогиясиз руҳий касалликларни руҳий муолажа (таъсир билан даволаш).

— **психоген сексуал бузилишлар ва неврозлар психотерапияси** (Асаб касалликлари ва руҳий муолажа билан даволаш). Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 628 сўм.

ЎРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАР УЧУН:

— **физиотерапия.** Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 506 сўм.

— **даволовчи ҳушрўйпарварлик.** Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 640 сўм.

— **стоматологияда чинни ва металлкераминкани қўллаш.** Муддати — 12 кун. Ўқиш нархи — 370 сўм.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН:

— **нафосат ҳушрўйпарварлиги.** Муддати — 1 ой. Ўқиш нархи — 660 сўм.

Машғулотларни юқори малакали мутахассислар олиб боришади. Ўқишлар тугаши билан, даволаш муассасаларида ишлаш ҳуқуқи билан гувоҳномалар берилади. Машғулотлар якшанбадан ташқари ҳар куни ўтказилади. Ўқиш учун нақд пул билан ва жорий ҳисобга ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

МАКОНИМИЗ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12-уй, 12-хона. Телефонлар: 44-12-03, 41-18-01.

Ҳушрўйпарварлик курслари макони: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, 1-уй. Телефон: 45-15-52.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.00.

№ 210.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12